



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 16 апрель, № 77 (8972)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР, ЗАМОНАВИЙ МАЖМУАЛАР — ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ИФОДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожига, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 15 апрель куни Андижон вилоятига келди.



Ҳудуддаги ўзгаришлар “ҳаво дарвозаси” данок кўзга ташланади. Мамлакатимизда транспорт тизимини ривожлантириш борасидаги ишлар доирасида Андижон халқаро аэропорти ҳам модернизация қилинмоқда.

Ташриф чоғида давлатимиз раҳбарига шу ҳақда ахборот берилди.

Бу аэропорт 1978 йилда қурилган бўлиб, ҳозирги талабларга мос келмай қолган эди. Учш-қўниш йўлагининг юк кўтариш қобилияти пастлиги, замонавий ёритиш тизи-

мининг йўқлиги сабабли қатновларни қабул қилиш имкониятлари чекланган эди.

Бугунги кунда реконструкция ишларининг биринчи босқичи битказилди. Узунлиги 3 минг 300 метр, кенглиги 60 метр бўлган янги учш-қўниш йўла-

ги, юриш йўлаги ва самолётлар тўхташ жойи қурилди. Дренаж тизими янгиланиб, ер ости суви қочирилди. Шунингдек, бу ерда иккинчи юриш йўлаги қурилиши давом эттирилиб, ICAO CAT-II тоифасидаги радар, метеорология ва

ёритиш ускуналарини ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Натижада “Boeing”, “Airbus” русумидаги йирик самолётларни ноқулай об-ҳаво шароити ва тунги вақтларда ҳам қабул қилиш мумкин бўлади. Бу кунлик

парвозлар сонини 10 баробаргача ошириш имконини беради.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ЯНГИ БАРПО ЭТИЛГАН БОБУР ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар, муҳтарам Андижон аҳли!

Аввало, сиз, азизлар билан юртимизда кўклам нафаси кезиб юрган мана шундай файзли кунларда дийдор кўришиб турганимдан гоят мамнунман. Барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдираман.

Ҳаммангизга маълумки, инсон қадрини улуғлаш, халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, шу асосда одамларни ҳаётдан рози қилиш — Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг бош мақсади.

Бугун жонажон Ватанимизнинг барча вилоятлари, қишлоқ ва овулларида ана шу улуғ ва эзгу мақсад қандай амалий натижалар бераётганини кўриб, албатта барчамиз чексиз қувонамиз. Бунинг амалий тасдиғини гўзал ва бетакрор Андижон замининда ҳам яққол кўришимиз мумкин. Вилоятда саноат, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, боғу роғлар барпо этиш, кўча ва маҳаллаларни обод қилиш, аҳоли учун муносиб меҳнат ва яшаш шароитлари яратиш бўйича кўплаб таҳсинга лойиқ ишлар қилинмоқда.

Қани энди, имкони бўлса-ю, бу сўлим диёрга тез-тез келиб, сиз, азизлар билан чин дилдан мириқиб суҳбатлашсам. Чунки сир эмас, мен доимо сизлар каби мард ва танти, қалби — Аллоҳда, қўли — ишда бўлган инсонлар билан учрашиб, мулоқот қилиб, ўзим учун бекиёс маънавий куч оламан, рухланаман.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Андижон замининда Янги Ўзбекистон гоёси, Янги Ўзбекистон нафаси ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадонга кириб бормоқда, халқимизни баланд-баланд марраларга ундамоқда.

Бу — ислохотларимизнинг биз кутган, бутун халқимиз кутган энг катта, энг муҳим натижаси, десак, тўғри бўлади.

Қадрли дўстлар!

Фахр билан айта оламизки, Андижон бутун мамлакатимиз, Марказий Осиё минтақасининг замонавий, йирик шаҳарларидан бири, водий гавҳаридир. Бу кўҳна заминдан кўплаб олим ва мутафаккирлар, машҳур шоир ва адиблар, давлат ва жамоат арбоблари, маданият ва санъат намояндалари етишиб чиққан.

Андижон — буюк мутафаккир, бунёдкор шоҳ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобомиз таваллуд топган табаррук диёр экани барчамизга гурур-ифтихор бағишлайди.

Бугунги кунда Андижонда барча соҳа ва тармоқлар жадал ривожланмоқда. Айни пайтда бу ерда жуда катта салоҳият мавжуд. Ана шундай улкан имкониятларимизни ишга солиш, ҳудудни янада тараққий эттириш мақсадида сизлар билан бундан икки йил аввал Янги Андижон шаҳри ва “Янги Ўзбекистон” боғини барпо этиш ҳақида келишиб олган эдик.

Ўтган давр мобайнида ушбу улкан лойиҳани амалга ошириш борасида катта ишлар бажарилганига барчангиз гувоҳсиз. Нафақат гувоҳсиз, айни пайтда уларда бевосита иштирок этмокдасиз. Қисқа вақт ичида ҳавас қилса арзийдиган мана шу гўзал шаҳарча билан бирга “Янги Ўзбекистон” боғи ҳам қад кўтарди.

Сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни ана шу буюк меҳнат ғалабаси билан самимий табриқлайман. Бундай файзли, муаззам маскан барчамизга, аввало, меҳнаткаш ва олийжаноб Андижон аҳлига муборак бўлсин, буюрсин!

Халқимизнинг бунёдкорлик анъаналарини муносиб давом эттириб келаётган, фидойилик ва ташаббускорлик фазилатларини амалий ишлари билан намоён этаётган Андижон аҳлига, бу ишларга ҳисса қўшган барча инсонларга чин юракдан ташаккур билдираман.

Шу ўринда кўпдан буён ўйлаб юрган бир ташаббусни сизлар билан маслаҳат қилмоқчиман. Ўзининг бетакрор илмий ва ижодий мероси билан миллилатимиз, халқимизни бутун дунёга тараққий этган буюк аждодимиз — Заҳириддин Муҳаммад Бобур хотирасини абадийлаштириш мақсадида Янги Андижон шаҳарчасига — Бобур шаҳри деб ном берсак, нима дейсизлар?

Кўллаб-қувватлаганингиз учун раҳмат. Ишончим комил, бу ташаббус ҳар томонлама халқимизнинг кўнглидаги иш бўлади.

Нега деганда, ҳазрати Бобур — жаҳон тарихида камдан-кам учрайдиган шундай беназир, улуғ зотки, унинг шарафига нафақат кўча ва майдонлар, боғу роғлар, балки алоҳида шаҳар бунёд этсак, албатта арзийди.

Нега деганда, Бобур Мирзо — Темурийлар Ренессансининг муносиб давомчиси, илм-фан,

маданият, санъат ва адабиёт, истеъдод ҳомийси бўлган буюк шахсдир.

Унинг ёшлик пайтларидан юртда тинчлик ва адолат ўрнатиш учун олиб борган курашлари, бу йўлда кўрсатган мардлик ва жасорати фидойилик ва ватанпарварлик мактабидир.

Ҳеч шубҳасиз, қомусий билим ва тафаккур эгаси бўлган бу мумтоз аждодимизнинг биргина “Бобурнома” асари учун ҳам унинг шарафига мана шундай гўзал шаҳарчани бунёд этсак, арзийди.

Чунки такрор айтишга тўғри келади, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби оламга машҳур аждодларимиз борлигини, улар Ўзбекистон фарзанди эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ўзлгимизни англаб, шонли тарихимизни ёш авлодимизга, болаларимизга тушутирсак, илм-маърифатни ривожлантирсак, улуғ боболаримизга муносиб бўлиб яшасак, Янги Ўзбекистонни ҳам, Ўзинчи Ренессансини ҳам албатта кураимиз!

Азиз дўстлар!

Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобомиз бор-йўғи 47 йил умр кечирди. Шу қисқа вақт давомида у инсон ақли бовар этмайдиган қандай буюк ишларни амалга оширган, қандай меъморий обидалар, боғу роғлар барпо этиб, ўзидан ўчмас ном қолдириб кетгани ҳам барчамиз учун юксак ўрнак намунаси.

Шу маънода, ҳазрати Бобурнинг шону шукрати ва қадр-қимматини жойига қўйиш, унинг бебаҳо меросини халқимизга янада кенгроқ таништириш, бутун дунёга тарғиб этиш ҳурматли олим ва адибларимизнинг, ҳаммамизнинг муҳим бурчимиз ҳисобланади.

Вилоят зиёлилари, билимдон ёшларимиз, бутун Андижон аҳли бу борада янада фаолилик кўрсатадилар, деб ишонаман.

Нега деганда, андижонликлар ўзининг бу улуғ фарзанди хотирасини ўша оғир, мустабид тузум даврларида ҳам қалбида, хотирасида эъзозлаб-ардоқлаб келганини яхши биламиз. Давлатимизнинг яқин ёрдами билан ҳурматли оқсоқолимиз Зокиржон ака Машрабов каби ўнлаб маърифатпарвар инсонлар, Бобур халқаро фонди ва илмий экспедицияси қандай катта ишларни амалга ошириб келаётганини юксак қадрлаймиз.

Бу борада бир масалага алоҳида эътибор қаратишимиз зарур: Бобур Мирзонинг бебаҳо мероси — бу бир уммон. Уммоннинг эса ҳеч қачон тубига етиб бўлмайди.

Шунинг учун мамлакатимизда, вилоятда бобуршунослик соҳасида олиб борилаётган ишлар тўхтаб қолмаслиги, аксинча, янги авлод, азму шижоатли ёшларимиз томонидан давом эттирилиши, янада юксак босқичга кўтарилиши лозим. Бу ишда мен сизларга ҳар томонлама ёрдам беришга доимо тайёрман.

Азиз дўстлар!

Мамлакатимизда амалга ошираётган барча ўзгариш ва ислохотларимиз Бобур Мирзо каби улуғ аждодларимизнинг орзу ва мақсадлари, ҳаётий идеаллари, улуғвор ишларига ҳамоҳанг, десак, янгилишмаган бўламиз.

Бугун сизлар билан биргаликда Бобур бобомиз туғилиб ўсган табаррук заминда ул зотнинг дилида қолган армонларини рўёбга чиқариш йўлида яна бир тарихий воқеанинг иштирокчиси бўлмоқдамиз, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Бобур шаҳрини барчамиз орзу қилаётган энг гўзал, энг замонавий шаҳарга айлантириш бугундан бошлаб реал вазифа қилиб кун тартибига қўйилади. Бу шаҳардан ҳақиқий бобурийлар етишиб чиқиши учун бобомиз номи билан аталадиган ихтисослаштирилган боғча ва мактаб, университет, музей, кутубхона ва IT паркдан иборат йирик таълим кластери барпо этилади. Олийгоҳ таркибида энг юқори талабларга жавоб берадиган спорт комплекси ҳам қурилади.

Бир сўз билан айтганда, барчамиз биллашиб, Бобур шаҳрини миллий кадриятларимизни ўзида мужассам этадиган маънавий масканга, таълим ва илм-фан шаҳрига, ёшларимиз учун илҳом ва ибрат, парвоз майдонига, нафақат водий, балки мамлакатимизнинг туризм ва маданият марказига, “яшил инфратузилма” асосида қурилган замонавий “сма-рт-сити”, яъни “ақлли” шаҳарга айлантирамиз.

Бобур шаҳрининг майдони 4 минг гектар бўлади ва бу ерда 500 минг аҳоли муносиб яшashi ва ишлаши учун барча шароитлар яратилади.

Бу шаҳар, худди буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий номи қўйилган азим шаҳар каби, шонли тарихимиз ва келажагимиз ўртасида маъ-

навий кўприк бўлади, янги тарихимиздан муносиб ўрин олади.

Мана шу боғ худудининг энг баланд нуқтасида Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобомизнинг янги, муҳташам ҳайкалини ҳам ўрнатамиз.

Бобур шаҳри миллий маданият ва санъатимиз, ўзбекона меҳмондўстлик, бағрикенглик ва ҳамкорлики акс эттирадиган ўзига хос кўзгу бўлиши зарур.

Ушбу эзгу мақсадларни амалга ошириш учун катта дастур қабул қиламиз, 250 миллион долларлик дастлабки капиталга эга бўлган алоҳида жамғарма ташкил қилинади. Ҳар йили бу жамғармага қўшимча маблағ ажратилади.

Бугунги тадбирда Бош вазир ўринбосарлари, мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳам иштирок этипти. Уларга алоҳида топширик; ушбу меғалойиҳа бир ойдан кечикмай бошланиши шарт.

Ҳурматли Андижон аҳли!

Мана шу замонавий амфитеатр сахнасида, мана шу гўзал боғда халқимизнинг нодир санъати доимо намоиш этилиб, улуғ шоирларимиз шеърлари янграб турса, айни муддао бўлади.

Бу оқшом ушбу янги маданият масканида атоқли санъаткорлар ва истеъдодли ёш ижрочилар иштирокида бўлиб ўтадиган концерт дастури шу йўлда эзгу анъанани бошлаб беради, десак, тўғри бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча маданият ва санъат соҳаси ходимларини бугунги касб байрами билан бутун халқимиз номидан, ўз номимдан чин қалбимдан самимий табриқлайман.

Барчамиз яхши биламизки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур дунёнинг қайси ерида, қайси ўлкасида бўлмасин, бир умр Ватан соғинчи билан яшади. Бугун буюк аждодимизнинг армонлари ушалди, ул зот ўз юртига руҳан қайтиб келди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшилисиз.

Мана шундай улуғ, тарихий кун барчамизга муборак бўлсин!

Сизларга, сизларнинг тимсолингизда Андижон аҳлига тинчлик-омонлик, мустақам соғлиқ, янги ютуқ ва омадлар тилайман.

Ватаним қўйнида бу кўркем хилқат,
Бахш этгай дилларга чексиз муҳаббат,
Оламга кўркингни кўз-кўзла абад,
Янги Андижоннинг Бобури қайтди.

Маърифатнинг ўтли ҳовури қайтди,
Ишончи, шарафи, гурури қайтди,
Муштоқ дилбандинга кучоғингни оч,
Янги Андижоннинг Бобури қайтди.

Ўткир РАҲМАТ

Кўнглимга аталган бахт нури қайтди,
Замонанинг гўзал сурури қайтди,
Қароқўз элига яхшилик устаб,
Янги Андижоннинг Бобури қайтди.

Кўклам нафасидан боғлар барқ урган,
Кўркини даштга тоғ кўз-кўзлаб турган,
Авлодлар доимо соғиниб юрган,
Янги Андижоннинг Бобури қайтди.

Оташқалб ўғлингни англагил энди,
Соғинган шеърингни тинглагил энди,
Яйрасанг арзийди, эй кўнгли энди,
Янги Андижоннинг Бобури қайтди.

Ҳали гард инмаган шаффоф саҳар бу,
Тонгида юз очган битта гавҳар бу,
Нурлар оғушида ойдин шаҳар бу,
Янги Андижоннинг Бобури қайтди.

Ҳазрати Навоий эътирофдан шод,
Хоразмий боқади кўнгли ҳур, обод,
Беруний хурсандидир этилгандан ёд,
Янги Андижоннинг Бобури қайтди.

Озод юрт бахш этган саодатидир,
Буюк шоирга оқибатидир,
Юртбоши меҳридир, муҳаббатидир,
Янги Андижоннинг Бобури қайтди.

Фахр

ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР, ЗАМОНАВИЙ МАЖМУАЛАР — ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ИФОДАСИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Энди, иккинчи босқичда йўловчи терминалини янгидан қуриш кўзда тутилган. Бу орқали йўловчиларга хизмат кўрсатиш қуввати соатига аввалги 300 тадан 1000 тага, парвозлар сони йилга 584 тадан 3 минг 700 тага ортади. Бу Андижон шаҳри ва Фарғона водийсига қатновлар сонини кўпайтиришга хизмат қилади.

Фаолиятини қайта бошлаган мазкур аэропортда ҳозирда Тошкент — Андижон — Тошкент йўналиши бўйича парвозлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз бу ерда самарали бошқарувни йўлга қўйиш, хизматларни арзон қилиб, маҳаллий ва халққаро парвозларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Умуман, мамлакатимизда аэропортларни модернизация қилиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Утган йилларда Самарқанд, Термиз, Урганч, Шахрисабз, Мўйноқ, Қўқон ва Зомин аэропортлари янгиланди. Яна бир қатор вилоятларда модернизация жараёнлари давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг февраль ойида Андижонга ташрифи чоғида қўллаб-истикболли лойиҳалар билан танишиб, вилоятда олиб борилаётган қурилиш, бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш юзасидан тегишли вазифаларни белгилаб берган эди.

Мазкур топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Утган йили вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2023 йилдагига нисбатан сезиларли даражада ўсди. Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 26,4 миллион сўмни ташкил қилди.

Президент ташрифининг иккинчи манзили “WBM Romitex” кластерининг Андижон шаҳрида қурилган янги корхонаси бўлди.

“WBM Fabrics” номли ушбу корхона қайта ишлаш заңкирининг навбатдаги босқичи. Умумий қиймати 50 миллион долларлик инвестиция лойиҳаси доирасида замонавий саноат иншооти қурилиб, Италия ва Германиядан юқори технологик усқуналар келтириб ўрнатилди. Матони бўяш ва гул солиш йўлга қўйилди. Корхона йилга 24 минг тонна шундай харидорғир маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Лойиҳа доирасида 600 та доимий иш ўрни яратилди.

Яна бир эътиборли томони, мажмуада Италиядан келтирилган замонавий

сув тозалаш иншооти барпо этилган. Унда бўёқ цехидан чиққан техник сув тозаланиб, қайта фойдаланишга йўналтирилади. Бу тежамкорлик ва экологик барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутаети.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги иш жараёнини кўздан кечирди, мутахассислар билан мулоқот қилди. Ишлаб чиқариш майдонларидан самарали фойдаланиш, энергия тежамкорлик орқали таннархни камайтириш, ишчиларнинг касбий малакасини ошириш масалалари тўғрисида сўз юритилди.

Қайд этиш жоизки, корхона фаолияти ташки бозорга ихтисослаштирилган, йиллик экспорт ҳажми 55 миллион долларни ташкил этади.

Андижон вилоятида тўқимачилик саноати жадал ривожланмоқда. Худудда етиштирилган пахтани замонавий кластер тизимида чуқур қайта ишлаш кенгайиб бораётир. Вилоятнинг республика тўқимачилик саноатидаги улуши 16,5 фоиз. 2024 йилда Андижонда 20 триллион сўмлик тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 488 миллион долларлик экспорт қилинган. Бу вилоят умумий экспортининг 42 фоизини ташкил этади.

Мазкур топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. 2024 йил давомида инвестиция лойиҳалари доирасида уч юз саксонта лойиҳа амалга оширилди. Бунда тўқимачилик, саноат, қурилиш ва қишлоқ ҳўжалиги соҳалари салмокли ўрин эгаллади. Мазкур лойиҳаларни ишга тушириш ҳисобиға ўттиз икки мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятида 2025 йилда эришилиши режалаштирилган асосий мақсадларға оид тақдимот билан танишди.

Жорий йилнинг биринчи чорағида инвестиция лойиҳалари самарасида ҳамда тижорат банклари иштирокида 77 минг нафар фуқаро иш билан таъминланган.

Умуман, 2025 йилда 5 миллиард 700 миллион долларлик 166 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Бу орқали 31 мингта иш ўрни очилади. 31 турдаги янги маҳсулот олиш йўлга қўйилиб, 1,5 миллиард долларлик экспорт имконияти яратилади. Корхоналари барқарор энергия билан таъминлаш учун 65 мегаватт янги қувватлар барпо этилади.

Бу ишларни давом эттириб, йил якуниға қадар умумий 305 минг нафар аҳолини даромадли иш билан таъминлаш мақсад қилинган.

Тақдимотда иқтисодиётни диверсификация қилиш, саноатни ривожлантириш, янги технологияларни жорий этиш ва ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш масалаларига ало-

қид аътибор қаратилди. 2025 йилда иқтисодий ўсиш суръати 5,5 фоизға етиши кутилмоқда.

Президент мутасаддиларға лойиҳаларни ўз вақтида бажариб, аҳолини даромадли иш билан таъминлаш, ишсизларни касбға йўналтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятининг ҳудудий саноат ярмаркасини бориб кўрди.

Бу ерда 110 та корхонанинг 500 га яқин маҳсулотлари намойишға қўйилган. Жумладан, автомобилсозлик, машинасозлик, тўқимачилик, электр техникаси, рақамли технологиялар, қурилиш материаллари, озик-овқат, гулчилик, асаларичилик, балиқчилик ва бошқа тармоклардаги самарали лойиҳалар тақдим этилган.

Давлатимиз раҳбари вилоятда ишлаб чиқарилаётган кенг турдаги маҳсулотлар ва илғор ишланмалар билан танишди, уларнинг ташаббускорлари билан суҳбатлашди. Яхши тахрибаларни қўллаб-қувватлаб, юртимиз миқёсида оммалаштириш зарурлигини таъкидлади.

Шу мақсадда ярмаркаға Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкентдан масууллар ва тадбиркорлар таклиф этилган. Улар маҳсулотларни биргаликда ишлаб чиқариш, кооперация ва савдо-сотик масалаларида фикр алмашмоқда.

Бугунги кунда Андижон вилоятида 11 мингдан зиёд саноат корхоналари бор. Уларнинг республика саноатидаги улуши 10 фоиздан юқори.

Хусусан, ҳудудда 47 та саноат зонаси ташкил этилган. Уларда 2,3 триллион сўмлик 1000 та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, 18 минг киши иш билан таъминланган. Мазкур зоналарда 2024 йилда 1 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, қарийб 31 миллион долларлик экспорт қилинган.

Ҳозирда қиймати 1 миллиард долларлик 288 та инвестиция лойиҳаси амалга ошириш жараёнида.

Жумладан, бу йил 119 та лойиҳа ишга туширилиб, 4 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилади. Саноат маҳсулотлари экспорти 47 миллион долларға етказилади.

Утган йилги ташрифдан сўнг Олтинкўл туманидан 16 гектар ер ажратилиб, мебелларни кластер усулида ишлаб чиқариш мажмуаси ташкил этилган. Бу ерда 100 дан ортиқ устакхона, 236 та шоурум ва савдо нуқталари жойлашган.

Андижон мамлакатимизда аҳоли энг зич жойлашган ҳудуд. Ўзбекистоннинг 10 фоиз аҳолиси 1 фоиз ерида яшайди. Шу боис давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2021 йилда янги шаҳар қурилиши бошланган эди. Бу гал-

ги ташрифда Президент лойиҳанинг илк натижаларини кўрди.

Ушбу шаҳар Андижон туманидаги адирликда, қишлоқ ҳўжалиғида фойдаланилмаган 4 минг гектар майдонда барпо этилмоқда. Қурилиш саккиз босқичда режалаштирилган бўлиб, ҳозирда 1 минг 770 та хонадонли 63 та уй фойдаланишға топширилган. Шунингдек, 1 минг 680 ўринли мактаб, 420 ўринли болалар боғчаси, 250 қатновға мўлжалланган поликлиника қурилган. Енгил саноат корхонаси, ипотекa маркази ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари ҳудуд бўйлаб юриб, янги мажмуаларни кўздан кечирди.

Тайёр хонадонларнинг кўпчилиғига оилалар кўчиб келиб яшамокда. Ўйин майдончаларидаги болакайларнинг шодликлари кўнгилларға қувонч, ҳаловат бағишлайди. Бунёдкорлик ишлари жадал давом эттирилиб, бу йил мингдан зиёд хонадонли яна 40 та кўп қаватли уй барпо этилади.

Иншоотлар йўл, электр энергияси, табиий газ, сув, иссиқлик каби зарур тармоклар билан таъминланган. Ичимлик суви етказиб бериш учун сигими тўрт минг метр куб бўлган сув сақлаш ва узатиш иншооти ишға туширилди.

19 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” боғи барпо этилиб, ўн минг тулдан ортиқ манзарали дарахт қўчатлари, бута ва гуллар экилди. Амфитеатр, дам олиш жойлари, декоратив йўлақлар, кафелар, болалар уйингоҳи, ёритиш тизимларига эға бўлган боғ Янги Андижоннинг кўрки бўлади.

Бу ердаги “Ватанпарвар боғи” катта рамзий маъноға эға. Боғдаги “Ватанға қасамёд” монументи, музей, концерт ва томоша майдонлари меҳмонларда катта таассуротлар қолдиради.

Лойиҳа кўламини кенг. Худуднинг 1 минг 439 гектарида 2 мингта кўп қаватли тураржой кад ростлайди. Шунингдек, кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, 1 минг 820 гектарда яшил ҳудудлар ташкил этилади. Қурилмишлар биттаг бу ерда 410 минг нафардан зиёд аҳоли яшаши мумкин бўлади.

Шу ерда янги қурилиш ва ободонлаштириш лойиҳалари тақдимот қилинди. Унга кўра Алишер Навоий номидаги истироҳат боғи таъмирланади. Янги Андижонда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳайкали ўрнатилади. Президент бунда Бобурнинг сиймосини ҳаққоний акс эттириш, аърофини бобурийлар мероси бўйича тематик паркка айлантириш юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Давлатимиз раҳбари янги боғда хунармандчилик, бадий ва амалий санъат кўрғазмаларини томоша қилди. Андижонда ҳар йили расссолар фес-

тивалини ўтказиш ташаббусини илғари сурди.

Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Андижондаги “Янги Ўзбекистон” боғидаги халқ сайлида иштирок этди.

Андижонлик ёшлар билан мулоқотда уларға юксак ишонч билдирилди.

— Давлатимизнинг энг устувор мақсадларидан бири — ёшлар сиёсати. Таълим-тарбия, маҳалла, бандлик, спорт тизимларида қилаётган ишларимиз фарзандларимизнинг манфаатлари учун. Бизнинг ёшларимиз қобилиятли, истеъдодли. Бу истеъдод қачон юзаға чиқади? Меҳнат бўлса. Билим олиб, интилган одам ҳеч қачон камбағал бўлмайди, ишини топади. Сиз ҳам ўқиб, изланиб, замонавий касб-хунарларни эгалланг. Бахтли бўлиш учун бугун замин яратишингиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Андижонда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари билан ҳам учрашди. Мамлакатимиздаги тинчлик-тотувлик, миллатлараро аҳиллик энг қадрли неъмат экани таъкидланди.

Боғдаги амфитеатрда концерт дастури намойиш этилди. Давлатимиз раҳбари тадбирда нутқ сўзлаб, вилоят аҳлиға юксак ҳурматини билдирди.

— Инсон қадрини улуғлаш, халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, шу асосда одамларни ҳаётдан рози қилиш — Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг бош мақсадидир. Бугун Ватанимизнинг барча вилоятлари, қишлоқ ва овулларида ана шу улуг мақсад қандай амалий натижалар бераётганини кўриб, албатта, барчамиз чексиз қувонамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бунинг амалий тасдиғини гўзал ва бетакрор Андижон заминида ҳам аққол кўриш мумкин. Вилоятда саноат, тадбиркорлик, қишлоқ ҳўжалиғи, боғу роғлар барпо этиш, кўча ва маҳаллаларни обод қилиш, аҳоли учун муносиб меҳнат ва яшаш шароитлари яратиш бўйича кўп ишлар қилинмоқда.

— Андижон заминида Янги Ўзбекистон гоёси, Янги Ўзбекистон нафаси ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадонға кириб бормоқда, халқимизни баланд-баланд марраларға ундамоқда. Бу — ислохотларимизнинг энг кутган, бутун халқимиз кутган энг катта, энг муҳим натижаси, — деди Президент.

Андижон юртимизнинг тарихий шаҳарларидан бири, водий гавҳаридир. Бугунги кунда вилоятда барча соҳа ва тармоклар жадал ривожланмоқда. Айни пайтда бу ерда жуда катта салоҳият мавжуд, Аша шундай имкониятларни ишға солиш, худудни янада тараққий эттириш мақсадида Янги Андижон шаҳри қурилмоқда. Қисқа вақт ичида бу ерда сўлим “Янги Ўзбекистон” боғи ҳам барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари бу ишларға ҳисса қўшган барча инсонларға ташаккур айтди.

Андижон Заҳириддин Муҳаммад Бобур таавалуд топанг диёр экани билан ҳам машҳур. Шу муносабат билан Шавкат Мирзиёев Янги Андижон шаҳарчасига Бобур шаҳри, деб ном бериш ташаббусини илғари сурди. Буни андижонликлар ҳурсандчилик билан қўллаб-қувватлади.

Бобур Мирзо теъмурийлар тамаддунининг муносиб давомчиси, илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт хомийси бўлган буюк шахсдир. У бетакрор илмий ва ижодий мероси билан миллатимиз, халқимизни бутун дунёға тараннум этган. Унинг шарафига алоҳида шаҳар бунёд этилса арзийди. Бу Бобур Мирзонинг дилида қолган армонларини рўёбға чиқариш йўлида яна бир тарихий воқеа бўлиб қолиши таъкидланди.

Шаҳарда ихтисослаштирилган боғча ва мактаб, университет, музей, кутубхона ва IT парқдан иборат йирик таълим кластери барпо этилади. Олийгоҳ таркибида энг юқори талабларға жавоб берадиган спорт мажмуаси ҳам қурилади.

Бобур шаҳри миллий қадриятларимизни муҳассам этадиган маънавий масканға, ёшлар учун илҳом ва ибрат, парвоз майдонига, юртимизнинг яна бир туризм ва маданият марказига, замонавий технологиялар қўлланган “ақлли” шаҳарға айлантирилади.

Бу шаҳар, худди буюк шоир ва мутафаккир Навоий номи қўйилган азим шаҳар каби шонли тарихимиз ва келажағимиз ўртасида маънавий кўприк бўлади, янги тарихимиздан муносиб ўрин олади. Худуддаги боғнинг энг баланд нуқтасида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг янги, муҳташам ҳайкали ўрнатилади.

Бу мақсадларни амалға ошириш учун дастур қабул қилиниб, 250 миллион доллар йўналтирилади.

— Барчамиз биламизки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур дунёнинг қаерида, қайси ўлкасида бўлмасин, бир умр Ватан соғинчи билан яшаган. Бугун буюк аҳдодимизнинг армонлари ушалди, ул зот ўз юртиға руҳан қайтиб келди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрға қўйиласиз. Мана шундай улуг, тарихий хон барчамизға муборак бўлсин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари 15 апрель — Маданият ва санъат ҳодимлари куни муносабати билан соҳа вакилларини ҳам самимий табриқлади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Андижон вилоятиға ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОВ,
Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ўза мухбирлари.

Учрашув



Парламентлараро алоқаларни кенгайтириш истиқболлари

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Туркия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Уфук Улуташ билан учрашди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги давлатлараро ва парламентлараро ҳамкорликни янада чуқурлаштиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди, шунингдек, икки томонлама алоқаларни кенгайтиришнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинди.

Томонлар Ўзбекистон — Туркия муносабатлари икки давлат раҳбарларининг мунтазам сиёсий мулоқоти ва яқин ҳамкорлиги туфайли юксак даражасини намоеён этиб, жадал ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Эришилган натижаларға кониқич сифатида, парламентлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашға эса икки томонлама стратегик шериклиكنинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралаётгани таъкидланди.

Учрашўда парламентлараро бўлажак ташрифларни ташкил этиш, қўшма тадбирлар ўтказиш ва икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ўртасида тажриба алмашишға алоҳида эътибор қаратилди.

Элчи Уфук Улуташ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркияға амалға оширган ташрифи доирасида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, ушбу битимлар стратегик шериклиكنи ривожлантиришда янги босқичға айланганини қайд этди ва ўз мамлакатаи Ўзбекистонда амалға оширилаётган кенг кўламли ислохотларни бундан буён ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини билдирди.

Учрашув якунида халққаро ва минтақавий парламент тузилмалари, шу жумладан, Туркий мамлакатлар Парламент ассамблеяси (ТуркПА) доирасида фаол ҳамкорлик қилиш ҳамда ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш бўйича яқдил фикр билдирилди.

«Халқ сўзи».

ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙ ЕЧИМИ

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиғи масалалари ва экология қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, Ёшлар парламенти аъзолари, экспертлар, вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда ОАВ ҳодимлари иштирок этди.

Сенат қўмитасида

Мажлисида “Иссиқхона газлари”нинг чиқарилишини чеклаш тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Қонунда “иссиқхона газлари” чиқарилишини камайтириш натижасида ҳосил бўладиган углерод бирликлари муомаласини амалға оширишнинг тартибини белгिलाш ҳамда “иссиқхона газлари” чиқарилиши устидан тизимли назоратни таъминлашға эътибор қаратилган. Унда бундай газлар чиқарилишини чеклашнинг асосий тамойиллари, унинг мониторингинг, ҳисоботи ва верификация тизими асослари, тартибий, қисқартирилган “иссиқхона газлари”ға эғалик қилиш ҳуқуқлари белгиланмоқда.

Қонуннинг қабул қилинишини мамлакатимизда иқлим ўзгариши бўйича олиб борилаётган ислохотларни жадаллаштириш, аърофмуҳит ва экологияни яхшилаш ҳамда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш учун зарур шароит яратишға хизмат қилади.

Қўмита мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига қўшимча ва ўзгартришлар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Қонун билан Ер кодексига сўғориладиган ерларни бошқа тоифаға ўтказиш бўйича талабларни кучайтиришни назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартришлар киритилляпти. Жумладан, тоифаси ўзгартрилган ерлардан келгусида фойдаланиш бўйича аниқ шартлар белгиланиб, бу уасткасини олганлик ва ердан фойдаланганлик учун ҳақ бўйича қарздорлик 6 ой ичида бартароф этилмаса, ерга бўлган ҳуқуқни бекор қилиш назарда тутилмоқда.

Ер уасткаларига эғалик қилган юридик ва жисмоний шахслар электрон онлайн-аукцион натижаларига кўра ёки баҳоловчи таш-

килот томонидан белгиланадиган миқдорда ҳақ тўлаши, шунингдек, қишлоқ ва ўрмон ҳўжалиғи ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаши шартлиги белгиланмоқда.

Бундан ташқари, Маммурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексға ер ости сувларига қудуқни қонунға хилоф равишда бурғилаганилик, улардан назоратсиз ва ҳисобсиз фойдаланганлик учун жавобгарликни кучайтирувчи ўзгартриш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Келажақда сўғориладиган ерларни бошқа тоифаға ўтказиш бўйича талаблар қонун даражасида янада кучайтирилади, тоифаси ўзгартрилган ерлардан фойдаланишға аниқ шартлар қўйилади. Ер ости сувларидан рухсатсиз фойдаланиш ҳолатлари камайтирилади ҳамда ушбу соҳалардаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлиғи янада ошади, соҳада давлат назорати самарадорлиғи кучаяди.

Шунингдек, ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш фаолияти билан шуғуланувчи тадбиркорлик субъектлари учун қулайликлар яратилади.

кенгайтиришға қаратилган истиқболли лойиҳалар ижроси юзасидан амалға оширилаётган ишларға қаратилди.

Қайд этилганидек, ўзаро товар айирбoшлаш ҳажми охириги беш йилда икки баробар ўсди. Қўшма корхоналар сони уч юздан ошди. Бу кўрсаткич доимий равишда ўсиб бормоқда. Шу билан бирға, товар айланмаси кўрсаткичи мамлакатлар салоҳиятиға тўлақонли мос келмайди ва ҳали фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд. Бундан ташқари, давлатлар раҳбарлари ҳукуматлар зиммасига 2030 йилгача ўзаро савдо ҳажмини 2 милли-

кенгайтиришға қаратилган истиқболли лойиҳалар ижроси юзасидан амалға оширилаётган ишларға қаратилди.

Қайд этилганидек, ўзаро товар айирбoшлаш ҳажми охириги беш йилда икки баробар ўсди. Қўшма корхоналар сони уч юздан ошди. Бу кўрсаткич доимий равишда ўсиб бормоқда. Шу билан бирға, товар айланмаси кўрсаткичи мамлакатлар салоҳиятиға тўлақонли мос келмайди ва ҳали фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд. Бундан ташқари, давлатлар раҳбарлари ҳукуматлар зиммасига 2030 йилгача ўзаро савдо ҳажмини 2 милли-

ард долларға етказиш вазифасини қўйган.

Йиғилишда бунинг учун саноат кооперациясини янада чуқурлаштириш, транспорт ва коммуникация соҳасида қўшма лойиҳаларни амалға ошириш, сув ресурслари ва энергетика соҳасида ўзаро манфаатли самарали ҳамкорликни давом эттириш, қишлоқ ҳўжалиғи ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларни изчил давом эттириш, мамлакатларимиз худудлари ўртасидаги ҳамкорликни фаол ривожлантиришға алоҳида эътибор қаратиш зарурлиғи билдирилди.

Якунда Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг ўн иккинчи ййгилиши баёни имзоланди.

Шунингдек, икки мамлакат Бош вазирлари биргаликда Хивадаги “Ичан қалъа” ёдгорлик мажмуасига ташриф бўурди. “Очик осмон остидаги музей” дея эътироф этиладиган мазкур Марказий Осиёда сақланиб қолган бирдан-бир бутун бошли шаҳар Тожикистон делегациясида катта таассурот қолдирди.

Аҳмаджон ШОКИРОВ,
Ўза мухбири.

Туризм йўналишида сўнгги йилларда 2 мингдан ортиқ янги тадбиркорлар иш бошлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

АҲОЛИ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов апрель ойининг биринчи ўн кўнлигида юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган муҳим воқеликлар, жумладан, шу йил 3-4 апрель кўнлари Самарқандда ўтказилган биринчи “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммити, шунингдек, Самарқанд халқаро иқлим форуми ҳамда 5 — 9 апрель кўнлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифокнинг 150-йубилей ассамблеяси ва уларда Президентимиз томонидан илгари сурилган таклиф-ташаббуслар ҳақида тўхталиб ўтди.

Ассамблеядаги нутқда давлатимиз раҳбари халқаро парламентлараро ҳамкорлигининг устувор йўналишларига алоҳида эътибор қаратгани таъкидланди. Жумладан, глобал ва минтақавий низоларга халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрлари, БМТ Низоми ва резолюциялари асосида ечим топиш муҳимлиги, иқлим ўзгариши, хотин-қизлар ҳуқуқлари, Парламентлараро Иттифок фаолиятига ёшларни кенг жалб қилиш, ҳар бир инсоннинг ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш масалаларига доимий эътибор қаратиш кераклигига ургу берилгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг фундаментал таклифлари ассамблея иштирокчилари томонидан кенг қўллаб-қувватланиб, Парламентлараро Иттифокнинг стратегияси ва мақсадларига тўла мослиги таъкидланди. Шу боис бу ташаббуслар тадбир якунида қабул қилинган Тошкент декларациясида тўла акс эттирилгани ургуланди.

Ассамблея доирасида Қонунчилик палатаси вакиллари томонидан 96 та хорижий давлат делегациялари билан учрашувлар ўтказилгани ва муайян келишувларга эришилгани айтиб ўтилди. Мажлисида суд жараёнларида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш, ҳўжалик жамиятларининг ижро органи, кузатув кенгаши ҳамда мажоритар акциядорларининг масъулиятини кучайтириш, тегишли юқларнинг транзити ҳажмини оширишга ва қонўнчилиқдаги бўшлиқларни бартараф этиш, нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш, сўний интеллектни қўллашда юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш, суд қарорларининг сўзсиз ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация қилишга оид қатор қонўн лойиҳалари муҳокама марказида бўлди.

Муносабатларнинг янги босқичи

“Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Битимни” (Тошкент, 2024 йил 27 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги алоқалар жадал ривожланмоқда. Хусусан, бугунги кўнга қадар давлатлараро, ҳўкуматлараро ва идоралараро доирада экстрадиция, жиноят ишларида ўзаро ёрдам, ҳаво қатнови, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, икки томонлама даромад солиғидан озод қилиш, фан ва техника ҳамда бошқа соҳаларда 31 ҳўжжат имзоланган.

Ушбу Битим БАА делегациясининг мамлакатимизга ташрифи доирасида 2024 йил 17 сентябрь кўни Тошкент шаҳрида имзоланган.

Ҳўжжатда икки давлат ўртасидаги фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга қаратилган ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, бир томон фуқароларини бошқа томон ҳудудида унинг фуқаролари билан бир хилдаги ҳуқуқий ҳимояга эга бўлиш, фуқаролик ва иқтисодий масалаларда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ушбу томон фуқаролари учун белгиланган шартларда мурожаат этиш ҳуқуқи билан таъминлаш назарда тутилмоқда. Шунингдек, икки давлат аҳолисининг фуқаролик ва иқтисодий муносабатларига вужудга келиши мўмкин бўлган низоларни ҳал қилиш ва суд ҳўжатларини тан олиш каби масалаларда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тартиби белгиланяпти.

Қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилган депутат Шоира Ражабованинг қайд этишича, мазкур Битим Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги манфаатли ҳамкорлиқни янада ривожлантириш, икки давлат ўртасидаги фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш йўналишидаги муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Инсон шаъни, кадр-қиммати — олий қадрият

Депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонўн ҳўжжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқди.

Мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ишонқли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсизлигини таъминлаш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган. Шу билан бирга, ёпиқ суд мажлиси иштирокчиларининг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотлар ошқор этилишининг олдини олиш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан бир қатор қонўн ҳўжжатларига ёпиқ суд мажлиси маълумотлари ва тафсилотларини ошқор қилмаслик бўйича ёпиқ суд мажлисида иштирок этаётган шахсларга тегишли мажбурият юқлашни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мажлисида ушбу қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул қўмита то-

монидан бир қатор ишлар амалга оширилгани, депутатлар берган таклиф ва тавсиялар таҳлил қилиниб, улар асосида ҳўжжат матни маромига етказилгани қайд этилди.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши суд жараёнларида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси кафолатларини янада кучайтириш, шахсий ҳаёт ҳақидаги маълумотлар ошқор этилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Эътирозлар инобатга олинди

Мажлисида кўриб чиқилган навбатдаги ҳўжжат — “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Лойиҳа билан шахсни профилактик ҳисобга олиш асослари ва тартиби замон талабларидан келиб чиққан ҳолда тақомиллаштирилмоқда. Хусусан, айбсизлик презумпцияси талабларидан келиб чиқиб, ўзига нисбатан юризилаётган жиноят иши айбилик масаласи ҳал этилмасдан туриб тўғатилган, реабилитация қилинмайдиган асослар бўйича жиноят иши қўзғатиш рад этилган шахслар, шунингдек, қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган айбланувчилар профилактик ҳисобга қўйиладиган шахслар қаторидан чиқарилмоқда.

Бундан ташқари, профилактик ҳисобга қўйиладиган маъмурий ҳуқуқбузарлик турлари қайта кўриб чиқилиб, уларнинг ижтимоий ҳавфлилик даражаси, хусусияти, келгусида жиноий қилмиш таркибини бериши мўмкинлиги мезонларидан келиб чиқиб ўзгартириляпти.

Мажлисида қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор саволлар кўтарилди. Жумладан, 35-модданинг тўртинчи хатбошисидаги содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун суд томонидан муайян муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахсларни профилактик ҳисобга олиш қўзда тутилаётгани жиддий эътирозларга сабаб бўлди. Депутатларнинг таъкидлашича, транспорт бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилганининг ўзи етарли, уни яна профилактик ҳисобга олиб, маҳалла нозирни томонидан назорат қилиниши фуқаронинг шахсий эркинлигига дахл этади. Бу норма бир ҳуқуқбузарлик учун икки марта жазо беришга асос бўлади. Шунинг учун ҳам Конституция ва инсон ҳуқуқлари нўқтаи назаридан қаралганда, бу нормани лойиҳадан чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқлиги айтилди.

Ўз навбатида, Ички ишлар вазирлиги вакиллари эътирозларга жавобан бу борадаги айрим статистик маълумотларни келтириб, ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар томонидан яна транспорт бошқарилиши жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши, агар улар профилактик ҳисобга олинас, ҳам жиноий жавобгарликка тортилишининг олди олинмиши, ҳам йўл транспорт ҳодисалари бартараф қилиниши таъкидлашди.

ЎзЛиДеП, “Миллий тикланиш” ДП, ЎзХДП фракциялари аъзоларининг узоқ мунозаралари ва эътирозларидан кейин 35-модданинг тўртинчи хатбошисидаги нормага тахририй ўзгартириш киритилди. Унга қўра, фақатгина “йўл безорилиги” ва “транспорт воситаларини мастлик ҳолатида бошқариш” маъмурий ҳуқуқбузарлигини содир этганда суд томонидан муайян муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазоси тайинланган шахслар профилактик ҳисобга олинадиган шахслар қаторига киритилмоқда.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Масъулият кучайтирилади, манфаатлар ҳимоя қилинади

Акциядорлик жамиятининг ижро органи, кузатув кенгаши ҳамда мажоритар акциядорларининг масъулиятини оширишга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди. Сўнгги йилларда мамлакатимизда корпоратив муносабатларни ривожлантириш ҳамда замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Лекин шунга қарамай, акциядорлик жамиятларининг ижро органлари, кузатув кенгашлари аъзоларнинг фидуцитар мажбуриятларини, мажоритар акциядорларининг умумий мажбуриятларини ҳамда ушбу мажбуриятлар бўйича жавобгарлиқни белгилашни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш зарурати юзага келаяпти.

Ушбу қонун лойиҳаси билан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга акциядорлик жамиятининг ижро органи, кузатув кенгаши аъзоларининг мажбуриятлари, мажоритар акциядорларининг умумий мажбуриятлари ҳамда бу бўйича жавобгарлиқни аниқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мунозаралар давомида қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқиш жараёнида депутатлар томонидан билдирилган бир қатор таклифлар ишчи гуруҳ аъзолари, ҳуқуқшунослар иштирокида чўқур таҳлил қилингани ва лойиҳа-



ни иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида эътиборга олиниб, улар асосида ҳўжжат матни ҳар томонлама пишиқ-пuxта ҳолатга келтирилган ҳолда маромига етказилгани қайд этилди.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши акциядорлик жамиятининг ижро органи, кузатув кенгаши, мажоритар акциядорларининг масъулиятни оширилишига ҳамда жамият ва акциядорларнинг манфаатлари ҳимояси учун хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Айрим ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик бекор қилинмоқда

Мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда мутаносиблик принципини амал қилинишини таъминлашга қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, янги тахрирдаги Конституцияда давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципини асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Бугунги кўнда мамлакатимизда амалга оширилаётган тўв ислохотлар ва ижтимоий-сиёсий воқеликларнинг мазмунидан келиб чиқиб, ҳар бир соҳага алоҳида комплекс ёндашув асосида ҳуқуқбузарликка мос ҳуқуқий таъсир чораларини белгилашга қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилинмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан ҳам қилмишларининг хусусияти, жазолашдан қўзланган мақсадга эришиш учун етарлилигидан келиб чиққан ҳолда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига айрим ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлиқни бекор этишга қаратилган тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда. Унинг қабул қилиниши ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда мутаносиблик принципини риоя этилишини таъминлашга, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини янада кучайтиришга ҳамда тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

ННТ фаолияти қўллаб-қувватланади

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизгин кечди.

Амалдаги қонунчилигимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганилик ҳамда жамоатчилик назорати натижаси бўйича давлат органларига киритилган яқуний ҳўжжатни белгиланган муддатда кўриб чиқмаслик учун мансабдор шахсларга маъмурий жавобгарлиқни қоралари ўрнатилмаган. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳўжжатлари талабларини бузганлик учун маъмурий жарима миқдорлари юқорилигича сақланиб қоляпти. Бу эса фуқаролик жамияти институтларининг асосли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганилик, жамоатчилик назорати субъектлари томонидан жамоатчилик назорати натижаси бўйича давлат органларига киритилган яқуний ҳўжжатни белгиланган муддатда кўриб чиқмаслик учун мансабдор шахсларга маъмурий жавобгарлиқни юқлаш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти соҳасидаги қонун ҳўжжатларини бузганлик учун маъмурий ундривларни ўртача тўртдан бир қисмига камайтириш белгиланмоқда. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамоатчилик олдида фаолият шаффофлиги ва ҳисобдорлиги ошириляпти. Яъни нодавлат нотижорат ташкилотлари хорижий манбалардан олган пул маблағлари ва мол-мулк ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги ахборотни жамоатчиликка эълон қилиши назарда тутилмоқда.

Мажлисида ҳўжжат матни Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтида жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилгани, фуқаролардан келиб тушган таклифлар чўқур таҳлил қилиниб, улар асосида қонун лойиҳаси маромига етказилгани алоҳида қайд этилди.

Мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Ортиқча талаблар бартараф этилади

Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

У билан амалдаги қонун нормаларини янги тахрирдаги Конституцияга мослаштириш, Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг вазифалари, уларнинг давлат субсидияси, грантлар ва ижтимоий буюртмаларни ажратиш жараёнидаги ваколатлари аниқлаштирилмоқда. Шунингдек, фондлар фаолиятида ортиқча текширув ва бюрократия тартиб-таомилларини камайтиришга қаратилган нормалар белгиланяпти.

Шу билан бирга, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шериклиқни янги босқичга кўтариш, ижобий баҳоланган лойиҳалар юзасидан давлат ижтимоий буюртмасини бериш бўйича давлат органи ва нодавлат нотижорат ташкилоти ўртасида базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваригача даражада тўғридан-тўғри шартнома тузилиши мўмкинлиги каби нормалар киритилмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул қўмита томонидан муайян ишлар амалга оширилгани, депутатлар берган таклифлар таҳлил қилинган ҳолда, уларнинг энг асосли, деб топилганлари ҳўжжат матнида акс эттирилиб, у ҳар томонлама пишиқ-пuxта ҳолатга келтирилгани айтилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимида институционал яхлитлик ва шаффофлик таъминлашишга, самарадорлик ошишига, ижтимоий шериклик муносабатлари ривожланишига, шунингдек, жамоат фондлари фаолиятида ортиқча бюрократик талаблар бартараф этилишига хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Хусусий айблов институти жорий этилади

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Инсон ҳуқуқлари кафолатлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган суд-ҳуқуқ ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Янги тахрирда қабул қилинган Конституциямизда ҳам инсон, шу жумладан, жабрланувчи ҳуқуқлари кафолатлари сезиларли даражада кучайтирилди. Шу билан бирга, жиноят процессида жабрланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг амалдаги самарали институтини маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда ҳам жорий этиш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётига хусусий айблов институтини жорий этиш назарда тутилмоқда. Бунда айрим тоифадаги ишлар бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фақат жабрланувчининг аризасига асосан бошланиши белгиланмоқда.

Шунингдек, жабрланувчи ночор аҳволда бўлгани, воёга етмагани, ҳуқуқбузарга қарам бўлгани туфайли ёки бошқа сабабларга қўра, ўз ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолларда ваколатли органининг мансабдор шахси, жабрланувчининг аризасисиз ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишни бошлаши шартлиги назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жабрланувчининг ҳуқуқ ва эркинликларини ишонқли ҳимоя этиш кафолатларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Ҳуқуқий эксперимент бўйича ягона амалиёт

Ҳуқуқий эксперимент қонунчилик ҳўжжати ёки унинг нормаси самарадорлигини алоҳида олинган ҳудуд ва (ёки) шахслар доирасида маълум вақт оралиғида синовдан ўтказиш билан

боғлиқ комплекс чора-тадбирлар мажмуи ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда янги тартиб-таомилларни ҳаётга жорий этишдан олдин уларни муайян ҳудудда ёки шахслар, ташкилотлар доирасида тажриба-синов тарзида қўллаш амалиёти кенгайиб бормоқда.

Бугунги кўнда ҳуқуқий экспериментни ўтказиш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар комплекс тарзда тартибга солинмаган. Бу эса ҳуқуқий коллизиялар, ҳуқуқни қўллашда турлича талқин қилиш ва мураккабликлар юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Мажлисида муҳокама этилган “Ҳуқуқий эксперимент тўғрисида”ги қонун лойиҳасида муайян тартиб-таомилни ҳуқуқий экспериментдан ўтказиш вақт, ҳудуд ва шахслар доираси бўйича олиб борилиши, шунингдек, ҳуқуқий экспериментни ўтказиш босқичлари белгиланмоқда.

Бундан ташқари, ҳуқуқий эксперимент ўтказиш шакллари ва усуллари, уни ташкил этиш ва ўтказиш шартлари, ҳуқуқий эксперимент натижаларини баҳолаш тартиби ва уларни расмийлаштириш бўйича талаблар ўз аксини топмоқда. Ҳуқуқий экспериментнинг ижтимоий аҳамияти ва мураккаблик даражасига қўра, олти ойдан уч йилгача бўлган муддатда ўтказилиши назарда тутиляпти. Шунингдек, лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатларини қисқартириш ёки тўғатиш, суд-тергов фаолиятини тартибга солиш, амнистия ва афв этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайдиган, бекор қиладиган ёки уларнинг аҳволини ёмонлаштирадиган ҳолатларга нисбатан ҳуқуқий эксперимент таътиб этилмаслиги белгиланмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ҳуқуқий эксперимент бўйича ягона амалиётни жорий этишга, ҳуқуқни қўллашдаги турлича талқин ва мураккабликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Сўний интеллектни қўллаш орқали юзага келадиган муносабатлар тартибга солинади

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — сўний интеллектни қўллаш орқали юзага келадиган муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан муҳокама қилинди.

Мажлисида дастлабки қадам сифатида қонунчиликка сўний интеллект технологияларидан фойдаланишнинг умумий асосларига оид қўшимча ва ўзгартиришлар киритилаётгани таъкидланди. Хусусан, “Сўний интеллект” тушунчасига таъриф берилиши билан бирга, соҳада давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда махсус ваколатли органининг вазифалари, ахборот ресурсларини яратишда ҳамда ахборот тизимлари ишида сўний интеллектдан фойдаланишнинг умумий қоидалари белгиланяпти.

Лойиҳада сўний интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда яратилган ахборот ресурсларига маркировка қўйиш талаби назарда тутилмоқда. Сўний интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ва сўний интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсон, унинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслигига оид талабини киритиш қўзда тутиляпти.

Бундан ташқари, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинлигига алоқадор қарорларни қабул қилишда фақатгина сўний интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ва сўний интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари ҳулосасига таянмаслиги ҳам ўз аксини топмоқда.

Қонун лойиҳасида сўний интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда шахсга доир маълумотларга қонунга хилоф равишда ишлов бериш ва уни ОАВ ҳамда интернетда тарқатганик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Мажлисида депутатлар қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига алоҳида тўхталиб, уни янада тақомиллаштириш, пишиқ-пuxта ҳолатга келтириш бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдирди. Лойиҳадаги айрим нормалар юзасидан аниқлаштирувчи саволлар кўтарилди. Қонун ташаббускорлари берилган саволларга батафсил тушунтириш бериб ўтди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши сўний интеллектдан фойдаланишни янада ривожлантириш, турли соҳаларга жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш, уни қўллаш орқали юзага келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, сўний интеллектдан фойдаланган ҳолда шахсга доир маълумотларга қонунга хилоф равишда ишлов бериш ва тарқатишининг олдини олишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

<



САЁХАТДАН — ДАРОМАДГА

Сайёҳлик — иқтисодиёт драйвери, халқ фаровонлиги кафолати. Туризм соҳасининг жадал ривожланиши кўлаб мамлакатлар учун катта даромад манбаига айланиб улгурган. У даромадлилиги бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Яна бир муҳим томони, кам харажат билан кўп иш ўринлари яратиш имконини беради.

Ўзбекистон ҳам бугун дунёнинг кўлаб давлатлари қатори ушбу соҳани янада ривожлантириш, бу борада тегишли инфратузилмани жаҳон стандартлари даражасида яратиш ва сайёҳлар оқимини кўпайтириш борасида изчил чора-тадбирларни амалга оширяпти. Натижада сўнгги йилларда мамлакатимизнинг туризм экспорти 1,6 карра ортиб, 3,5 миллиард долларга етди, бу соҳада 2 мингдан кўп янги тadbirkор иш бошлади. Утган йили хорижий сайёҳлар таширифи илк бор 10 миллиондан ошди.

Нуктаи назар

Худудларда туризм ва сервис инфратузилмаси жуда тез ривожланипти. Хусусан, ўтган 8 йилда 6,5 миллиард доллар сармоя киритилиб, 130 мингта меҳмон ўрни очилган. Бугунги кунда 20 та туризм қишлоғи фаолият юритмоқда. Паркент туманининг "Олтин бел" чўққисидан халқро даражадаги янги тоғчанги зонаси барпо этиляпти.

Яқинда давлатимиз раҳбари расислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида худудларнинг туризм салоҳиятини ошириш, хорижий инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш масалалари ҳақида сўз бориб, соҳадаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар билдирилди.

Таъкидланганидек, юртимиз тарихи, маданияти ва табиғати асосланиб, сайёҳларни яна 2-3 карра кўпайтириш мумкин. Лекин айрим худудларда йўл ва транспорт нуқсайлиги, кўнгилочар жойлар ва қизиклиги дастурлар етишмаслиги каби камчиликлар мавжуд. Шу боис йиғилишида жойлардаги имкониятларни юзага чиқариб, туризм йўналишларини кўпайтириш, сайёҳларга шaroитларни кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Масалан, Сарисий туманининг асосий қисми тоғлардан иборат бўлиб, қишки туризм учун катта салоҳият бор. У ерда дор йўли, меҳмонхона ва савдо-сервис хизматлари йўналишида 200 миллион долларлик лойиҳалар қилса бўлади. Чортоқ тумани ҳам гўзал табиати, шифобахш суви билан машҳур. Мутасаддиларга шу каби 36 та туман ва шаҳарни этно, гастрономика, тиббий, экстремал, маданий-тарихий, зиярат, қишки ва агротуризм асосида ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқиш топширилди.

Бугунги кунда "BBC", "Euronews" каби нуфузли телеканалларда, 20 дан ортиқ халқро кўргазмаларда Ўзбекистонга саёҳат кенг тарғиб қилинмоқда. Виза тартиблари содалаштирилди, замонавий самолётлар олиб келинган. Энди бу



имкониятлардан фойдаланиб, соҳадаги салоҳиятни бозорлардан сайёҳларни жалб этиш, тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Қисқа муддат ичида катта ўсиш

Туризм соҳасига берилаётган эътибор туфайли 2024 йилда жами 8,2 миллион нафар чет эл фуқароси юртимизга туристик мақсадларда таширф буюрди (2017 йилда бу кўрсаткич 2,6 миллионга тенг эди). Демак, қисқа муддатда 3 баробар ўсишга эришилди. Туризм экспортдан тушаётган даромад 4 баробар ўсди. Юртимизга таширф буюрган ҳар бир сайёҳ ўртача 323 доллар сарфлаган. Соҳага берилаётган эътибор ва имтиёзлар ҳисобига мамлакатимизда 2030 йилга бориб сайёҳлар оқимини 15 миллионга, ички туризм бўйича эса 25 миллионга етказиш режа қилинган.

Бундай кенг кўламли ишлар жаҳон ҳамжамияти ва халқро рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Бутунжаҳон туризм ташкилотининг "Энг тез ривожланаётган туризм масканлари" рўйхатида, шунингдек, машҳур "Геллоп" ижтимоий тадқиқот марказининг "Сайёҳлик учун энг хавфсиз давлат" рейтингига оқори ўринларини эгаллаб келяпти. Шу билан бирга, Ўзбекистон АҚШнинг "National Geographic Traveler Awards" рўйхатида "Йил янгилиги" ҳамда "Гастрономика туризм" номинациялари фолиби бўлди. "Жаҳон мусулмон сайёҳлари индекси"да "Энг кучли саёҳат йўналиши" сифатида тан олинган.

Сайёҳликнинг Тошкент — Самар-

қанд ва Навоий — Бухоро йўналишлари учун яна 6 та тезрояр поезд олиб келиниши, юртимизда 600 километр қўшимча темир йўзлар қурилиши кўзда тутилган. 2025 йилдан бошлаб Тошкент — Хива тезрояр поезди қатнови йўлга қўйилади, 2026 йилдан эса ушбу йўналиш Нукус шаҳригача узайтирилади. Шунингдек, Тошкент — Самарқанд ва Тошкент — Андижон йўналишларида давлат-хусусий шериклик асосида пуллик автомагистраллар қурилади. Натижада ушбу йўналишларда манзилга етиб бориш вақти 2 баробар қисқаради. 2030 йилга қадар яна 56 та замонавий авиалайнер олиб келиш ва авиапаркдаги самолётлар сонини 100 тага етказиш мақсад қилинган, авиақатновлар сони 4 баробар оширилади.

Бундан ташқари, катта шаҳар ва сайёҳлар гавҳум манзилларда 30 та йирик туризм кластери ташкил этилади. Минтақамиз давлатлари билан қўша сайёҳлик йўналишларини яратиш, Марказий Осиёда транспорт-логистика имкониятларини кенгайтириш, жумладан, "Бир тур — бутун минтақа" дастурини амалга ошириш доимий эътиборда.

Айни пайтда Миллий туризм ягона платформаси ишлаб чиқилмоқда. Энди унга электрон виза бериш, чипта олиш жараёнлари ҳам уланади. Шунингдек, барча тарихий обидаларга кириш имконини берадиган "ягона туристик карта" жорий қилинади. Сўнгги йилларда ички туризмга эътибор кучайгани учун маҳаллий сайёҳлар сони 23 миллионга етди. Лекин халигача бошқа вилоятларга саёҳатга бормаганлар кўп топилади.

Шу боис энди ҳар ойнинг бир шанба-якшанбаси "Оила ва жамоа билан саёҳатга чиқиш кунин", деб эълон қилиндики, бу меҳнат жамоаларида ишга бўлган иштиёқи оширади. Умуман, бундай имкониятлар эвазига бу йил 15 миллион туристни жалб қилиш ва экспортни 4 миллиард долларга етказиш мумкин.

Инвестициявий лойиҳалар таҳлили

Айтиш жоизки, ушбу сердаромад соҳа тармоқларини ривожлантириш, худудларнинг, айниқса, табиатнинг, геотизимларнинг экотурист ресурслари ва имкониятларидан янада самарали фойдаланиш иқтисодиётимизга жуда катта фойда келтириши тайин. Соҳадаги муваффақият кўлаб ижобий омиллар — янги иш ўринларини яратиш, инфратузилмани ривожлантириш, бюджет тизимининг даромадлар қисмини тўлдириш, маданий мерос

объектларини сақлаш, туристлар оқимини кўпайтиришга олиб келади.

Шу маънода, йиғилиш кун тартибидеги иккинчи масала — хорижий давлатлар билан ҳамкорликдаги инвестициявий лойиҳалар таҳлили бўлди.

Ўзбекистоннинг инвестицияларни жалб этиш, уларни рағбатлантириш, имтиёзлар беришга оид сиёсатини таъбир жоиз бўлса, бир маромда ураётган юракка ўхшатиш мумкин. Юртимизда кейинги 3 йилда уч маротаба Тошкент халқро инвестиция форуми ва бошқа шу сингари тadbirkорлар ўтказилиши, уларда давлатимиз раҳбарининг мунтазам иштироки инвесторларнинг Ўзбекистонга қизиқишини оширди. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратди. Зеро, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоён этиш чораларини қўриш — кундалик ҳаётимиздан жой олган энг долзарб масалалардан бири.

Очиқлик ва кучли инвестиция сиёсати натижасида иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиши таъминланяпти. Хусусан, 2024 йилда ялли ички махсулот 6,5 фоизга ошиб, 115 миллиард долларга етди, хорижий инвестиция 1,6 баробар ўсиб, 34,9 миллиард долларни ташкил қилди, қиймати 10 миллиард долларлик 242 та йирик ва ўрта лойиҳа ишга туширилди, экспорт илк бор 27 миллиард долларга чикди. Утган йили 50 та туманга 100 миллион доллардан кўп сармоя кириб келди (2023 йилда бундай туманлар 11 та эди).

Тоғ-кон, нефть-газ, кимё, қишлоқ ҳўжажисида режа икки карра ортиғи билан бажарилди. Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлакатни эканини ҳисобга олсак, рақамлар бундан-да катта бўлиши мумкин. Афсуски, етарли шароит бўла туриб, инвестиция масаласига панжа ортидан қараш учраб турибди. Айрим ҳолатларда Ўзбекистон иқтисодиётининг локомотивларидан саналган корхоналар имконият бўла туриб, "Олма пиш, озғимга туш" қабилида иш тутуши, ўзибуларчилик кайфияти инвести-

Ўзбекистонда диққатга сазовор жойлар кўп, ландшафт хилма-хил, тарихий ва маданий мерос жуда бой, иқлим мўътадил, муҳими эса, сайёҳлар учун мос хизмат, кўнгилочар тadbirkор-томошалар уюштирилса қийоя. Шуни эътиборга олган ҳолда, юртимизнинг ҳар бир худуди мутасаддилари қўлни қовуштириб ўтирмай туризмни ривожлантириш орқали мамлакат бюджетини тўлдиришга ҳисса қўиши шарт.

Гулнора АБДУРАҲМОНОВА,
ТДЮнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича
проректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

циялар оқимиға салбий таъсир кўрсатди.

Изланса, имкониятлар ҳамма жойда бор

Тўғри, дунёда ўзаро ишонч тансик бўлиб бораётган бугунги кунда сармояларни жалб қилиш осон эмас. Бунинг учун уларга маъқул келадиган ислохотларни ўтказиш керак. Ўзбекистон бу йўлда жиддий қадамлар ташлади. Бу йил биринчи чоракнинг ўзида давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Араб Амириклари, Малайзия, Кувейт ва Францияга таширфлар чоғида 39 миллиард долларлик 178 та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди.

Яқинда Самарқандда бўлиб ўтган саммитда Европа Иттифоқи Марказий Осиёға 12 миллиард евро ажратишини маълум қилди. Мамлакатимизда 2025 йилда 42 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этиш кўзда тутилган. 81 та йирик, 8 мингдан ортиқ ўрта ва кичик лойиҳалар амалга оширилиши, донор ташкилотлардан 2 миллиард доллар грант ҳамда банклар томонидан 6 миллиард доллар жалб қилиниши белгиланган. Йиғилишда бу борадаги имкониятлар худудлар ва ҳамкор мамлакатлар кесимида таҳлил этилди.

Масалан, илгари инвестор бормаган, темир йўл ёки магистраль йўл ҳам ўтган Олтинсой туманида 100 миллион долларлик 3 та йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Ёки Қўшработда гранит тош қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича 75 миллион долларлик 2 та янги лойиҳа бошланган. Изланса, бундай имкониятлар ҳар бир худудда бор.

Утган ойда Лондонда "Ўзбекистон инвесторлари кунин" уюштирилди. Ва шу йилнинг ўзида 2 миллиард 770 миллион доллар жалб қилиш бўйича келишувга эришилди. Бундай тadbirkорларни Нью-Йорк, Сингапур, Гонконг, Дубай, Шанхай, Токио, Истанбул каби бизнес марказларида ҳам ташкил этиш фойдадан холи бўлмайдиган. Шу ойда Жиззахда, июнда эса Тошкент шаҳрида халқро инвестиция форумлари ўтказилиши кўзда тутилганки, бу ҳам сармояларни кенг жалб қилишга имкон яратди.

Ўзбекистонда диққатга сазовор жойлар кўп, ландшафт хилма-хил, тарихий ва маданий мерос жуда бой, иқлим мўътадил, муҳими эса, сайёҳлар учун мос хизмат, кўнгилочар тadbirkор-томошалар уюштирилса қийоя. Шуни эътиборга олган ҳолда, юртимизнинг ҳар бир худуди мутасаддилари қўлни қовуштириб ўтирмай туризмни ривожлантириш орқали мамлакат бюджетини тўлдиришга ҳисса қўиши шарт.

Гулнора АБДУРАҲМОНОВА,
ТДЮнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича
проректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.



Ўзбекистон — самбо бўйича Осиё — Океания чемпионати мезбони

Кеча Тошкент мезбонлик қилаётган самбо бўйича Осиё — Океания чемпионатининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.



Мазкур нуфузли мусобақанинг очилиш тadbirkориди Халқро самбо федерацияси, Осиё — Океания самбо иттифоқи, Осиё олимпия кенгаши, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда мамлакат самбо федерацияси расмийлари қатнашди.

Улар ўз чиқишларида ушбу чемпионат нафақат минтақада, балки жаҳон миқёсида ҳам катта аҳамиятга эга эканини таъкидлашди. Шунингдек, Ўзбекистонда ноолимпия спорт турлари, хусусан, самбонинг ривожига катта эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Маросимдан сўнг мусобақанинг финал блокига старт берилди, беллашулар қизгин тарзда давом этмоқда.

Сабина Бобоқуловага тенг келадигани йўқ

Боксда бокс бўйича бўлиб ўтаётган "Буюк Ипак йўли" халқро турнирида аёллар терма жамоамиз биттадан олтин ва кумуш, шунингдек, учта бронза медалини қўлга киритди.



Финал беллашуларида 50 килограммгача вазн тоифасида Сабина Бобоқулова олтин медалга сазовор бўлган бўлса, вазни 48 килограммгача бўлган иштирокчилар ўртасида Жасмин Тоҳирова кумуш медалга эгаллик қилди. Шунингдек, Узукжамол Юнусова, Ойша Тоирова, Олтиной Сотимбоева мусобақанинг бронза медалли билан тақдирланди.

Эслатиб ўтаимиз, мусобақанинг эркаклар ўртасидаги финал баҳсларида уч нафар вақилимиз (Нодирбек Аллаберганов, Саят Илясов, Жасурбек Йўлдошев) рингга кўтарилди.

«Универсиада» фолиби — хоразмлик ёшлар

Олий ўқув юртлари талабалари ўртасидаги "Универсиада" уйинларининг футбол мусобақалари 4 босқичда — аввал худудлар ва минтақаларо кечган бўлса, яқинда республика финал уйинлари бўлиб ўтди.



Унда 14 та олийгоҳ жамоаси 4 та гуруҳга бўлинган ҳолда баҳслашди. Қизиклиги кечган уйинлар сарҳисобиға қўра Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент вилояти, Хоразм ва Сирдарё вилоятларининг талаба-спортчилар жамоаси яримфиналға йўл олди.

Яримфиналда Абу Райҳон Беруний номидаги Урганч давлат университети ҳамда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети жамоалари финал йўлланмасини қўлга киритди.

Урганч шаҳридаги "Ёшлик" спорт мажмуасида ўтган финал босқичида Урганч давлат университети жамоасининг қўли баланд келди. Шундай қилиб, 2-ўрин Тошкент вилояти, 3-ўрин Қорақалпоғистон Республикаси талаба-футболчилар жамоасига насиб этди.

«Халқ сўзи».

ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИ ЧЕКСИЗ ЭМАС

Мамлакатимизда аҳоли сонининг ошиши ва иқтисодиёт тармоқларида ўсиш суръатларининг жадаллашуви натижасида электр энергияси ва табиий газга бўлган талаб йил сайин ортиб бормоқда. Таҳлилларға кўра 2035 йилга бориб электр энергиясига бўлган эҳтиёж 1,7 баробар ошади. Бу эса ресурстежамкор иқтисодиёт моделиға ўтиш жараёнини жадаллаштириш билан бир қаторда энергетика тармоғидаги талон-тороқликларға қарши қатъий курашишни талаб этади.

Назорат

Бу ҳақда Президентимиз жорий йил 19 февраль кунини энергия самарадорлигини ошириш бўйича тақлифлар тақдироти билан танишиш жараёнида фикр юритиб, худуд ва тармоқлар кесимида энергия исрофини камайитириш, талон-тороқликларнинг олдини олиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Таассуфки, иқтисодиёт раванки ва турмуш фаровонлигини таъминлашда стратегик аҳамиятга эга бўлган

электр энергиясидан ўз манфаатлари йўлида ноқонуний равишда фойдаланаётган кимсалар орамизда йўқ эмас. 2025 йилнинг ўтган даврида бундай хатти-ҳаракатларни босқиз этган 350 га яқин истеъмолчилар аниқлангани фикримизга асос бўла олади.

Вазирлар Маҳкамасини хузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси томонидан ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар, электр ва

газ таъминоти корхоналари мутахассислари билан ҳамкорликда ўтказилган назорат тadbirkорларида аниқланган бу ҳолатлар туфайли етказилган зарар миқдори янада салмоқли.

— Жорий йил бошидан буён 25,4 млн. метр куб табиий газ ва 29,4 млн. киловатт-соат электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилиш натижасида давлат манфаатларига 98 млрд. сўмдан ортиқ зарар етказилганлиги маълум бўлди, — дейди инспекция бошлиғи ўринбосари Хуршидхон Эшқўзиев. — Ўтказилган назорат тadbirkорларида миқдори 370,8 тонна, қиймати 6,3 млрд. сўмлик нефть маҳсулотларидан белгиланган тартибларга зид равишда фойдаланиш ҳолатлари аниқланди. Энергия ресурсларидан фойдаланишда истеъмолчилар томонидан содир этилган қоидабузар-

ликлар бўйича 342 та маъмурий иш расмийлаштирилди. Уларнинг 142 таси электр энергияси, 200 таси эса табиий газдан фойдаланиш билан боғлиқ.

Таҳлиллар кўрсатишича, Ўзбекистонда 1 долларлик ялли ички махсулот яратиш учун дунёдаги ўртача кўрсаткичдан 2,5 баробар кўп энергия сарфланяпти. Электр тармоқларидаги йўқотишлар 14 фоиз, табиий газда эса 7 фоиздан оқори. Шу боис мутахассислар жалб қилиниб, жойларда энергияни тежаш имкониятлари илмий асосда ўрганилмоқда.

Ҳозиргача 7 та вилоятда 4,6 млрд. киловатт-соат электр ва 1 млрд. куб метр газни иқтисод қилиш имкониятлари аниқланди. Агар шу имкониятлардан тўла фойдаланилса, мунтазам ток ўчишларининг олдини олиш ҳамда аҳолини электр энергия билан узлуксиз таъминлаш борасида муҳим қадам қўйилади.

Айни чоғда аҳолиға электр энергияси етказиб бериш билан боғлиқ инфратузилмани модернизация қилиш масалалари ҳам муҳим ўрин тутати.

— Худудлардаги подстанциялар ва трансформатор пунктларидаги контактлар ҳамда бошқали бирикмаларда пайдо бўлаётган қизишларни аниқлаш бўйича тепловизор қуриқлари ҳам амалга оширилди, — дея фикрини давом эттиради Х. Эшқўзиев. — Унга кўра 1 364 та подстанция ва трансформатор пунктдаги

электр қурилмаларнинг 4 134 тасида меъёридан ортиқ қизиш ҳолатлари аниқланди. Шундан 941 таси бартараф этилди. Ўз вазибаларига масъулиятсизлик билан қараган мутасаддиларға тегишли чоралар кўрилди.

Шу ўринда бир фактни айтиб ўтиш лозим. Утган йил давомида табиий газ ва электр энергиясидан 8 289 маротаба ноқонуний фойдаланиш ва қоидабузарлик ҳолати содир этилган бўлиб, бунинг натижасида давлат манфаатларига 1 трлн. 409 млрд. сўм зарар етказилган. Агар инфофиз истеъмолчиларға қарши қатъий кураш олиб борилмаса, бу йилги кўрсаткичлар ҳам бундан кам бўлмаслиги аниқ. Бу эса нафақат инспекция, балки соҳада фаолият юритаётган ҳар биримизга боғлиқ масала.

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикаси «Хунарманд» уюшмаси «Хунарманд» журналининг тақдиротини ўтказди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 13 559 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетани ҳақидати маълумотларини оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳриратта келган кўлемалар тақриз қилинмайди ва муаллифға қайтариқмайлади.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.
Газета таҳриратта компьютер марказида термилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик ҳижатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 03.10 Топширилди — 03.50 1 2 3 4 5 6